

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 1 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (10.955)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси парвозлар йўналиши яна биттага кўпайди. Ўтган кун миллий авиакомпаниямизга қарашли замонавий «Боинг-767-300» самолёти Италиянинг Милан шаҳри халқаро аэропортига қўнди. Шу кун бу ерда янги авиайўналишнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

• Фарғонада «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестивал бўлиб ўтди. Тадбир доирасида вилоятдаги таниқли хонандалар, хаваскор ижодкорлар иштирокида она табиини асраб-авайлаш, халқ саломатлигини сақлаш ҳақидаги кўшиқлар, бадиий ижод намуналари кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Марказий Кенгашининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

• «Ургут ашиқ олтини» кўп тармоқли масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқарувчи учинчи линия ишга туширилмоқда. Бунинг учун Беларусь Республикасидаги «Строммаш» заводидан бир кеча-кундузда 3 минг дона асбестцементли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик ускуна олиб келинди.

• Булунгур тумани марказида 540 ўринга мўлжалланган педагогик ва спорт касб-хунари коллежи фойдаланишга топширилди. Тойлоқ туманидаги «Баҳодир-А» хусусий фирмаси жамоаси томонидан бунёд этилган янги ўқув масканида кенг ва ёруғ ўқув хоналари, замонавий фан хоналари ҳамда энг сўнги русумдаги ўқув анжомлари билан жиҳозланган лаборатория мавжуд.

• Наманган вилояти, Чуст туманидаги «Сўлим» болалар соғломлаштириш оромгоҳида муҳофафага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман Кенгаши йўриқчилари ва мураббийлари иштирокида ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

• Урганч Давлат университетининг жаҳон тиллари факультети талабаси Лайло Қозқова Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси стипендиясининг соҳиби бўлди.

• Қибрай тумани, Ўнқўрғон кишлоғи фуқаролари йиғинида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда қатнашган 20 дан ортик корхона ва ташкилотлар 100 га яқин бўш ўринларини тақдир этиб, шу кун 70 киши ўз мутахассислигига кўра ишли бўлди.

• Интернет хизмати кўрсатувчи Sarkor Telecom компанияси мижозлари учун янги кино сайти — kinoman.uz очилди.

• Тошкент автомобиль ва йўллар институти олимлари пиллани навларга ажратилишнинг ўзига хос янги усулни яратдилар. Сининг тажрибаларининг кўрсатишича, янги усул сифатли пиллаларни саралашда асқотишдан ташқари, вақтни ҳам тежайди.

• Ангрэн ва Олмалик шаҳарларини ўзаро боғловчи йўлнинг доводдан иборат қисмида тиббий шохобча очилди. Мижозларга тез ва сифатли муолажани йўлга қўйиш мақсадида шохобчага кўшимча транспорт хизмати ҳам ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Россияга ташриф буюриб мамлакат Президенти Владимир Путин билан учрашди. Ўзаро музокаралар чоғида Яқин Шарқдаги вазият ва уни ўнглаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

• Маълумки, 2003 йилдан буён Суданнинг Дарфур музофотида давом этаётган қуролли моjarолар оқибатида 300 минг киши ҳаётдан кўз юмди, 2 миллиондан ортик аҳоли қочқинга айланди. Бундай ҳолатга чек қўйиш мақсадида кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши Дарфур бўйича янги резолюция қабул қилди. Унга кўра, бу ерда тинчликни сақлаш учун Африка Иттифоқи ва БМТнинг 26 минг нафар тинчликпарвар кучлари Дарфурга киритилади.

• Кеча АКШ Давлат котиби Кондолиза Райс Саудия Арабистонига ташриф буюрди. Мамлакат қироли билан мулоқот чоғида Саудия Арабистонининг Ироқ ҳукумати тэрроризмга қарши курашда қўллаб-қувватлаши ҳамда Саудияга қурол-яроғларнинг янги туркумини етказиш хусусида сўз борди.

• Бугун Швейцарияда Конфедерация ташкил этилган кун миллий байрами кенг нишонланди.


• Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторининг марказий худудларига ракета ҳужумларини уюштирди. Уч нафар жангари кетаётган автомобилга қарши қаратилган ҳаво ҳужуми натижасида етти нафар фаластинлик жароҳатланди.

• Испаниянинг Тенерифе музофотида айниқса ўрмон ёнгинларининг авжига чиқиши муносабати билан мамлакат бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро бу ерга келиб мавжуд аҳвол билан бевосита танишди. Айтиш керакки, Тенерифедаги ёнгинлар оқибатида 14 мингга яқин сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли хавфсиз жойларга қўчирилди, кўпчилик уй-жойсиз қолди. Ҳозирда бу ерда ёнгинни бартараф этишга тўртта амфибия самолёт жалб этилган.

• Туркия ҳукумати бир қатор туркий тили мамлакатлар аҳолисига нисбатан виза тизимини бекор қилди. Эълон қилинган қарорга кўра эндиликда Ўзбекистон, Озарбойжон, Мўғулистон, Тожикистон ва Туркменистон фуқаролари 30 кун муддатга Туркияга виза олмасдан ҳам ташриф буюришлари мумкин.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОВЕ билан суҳбат

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ва қамровдор ислохотларнинг мақсади Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиги, дахлсизлиги, қадриқиммати ва бошқа қонуний манфаатларини химоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган.

Ўтган даврда юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг му்தлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Судларнинг жиной, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашувчи амалга оширилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Тергов-суриштирув ва ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг муддатлари такомиллаштирилди.

Айни чоғда, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бора-

сида навбатдаги ўта муҳим масалалар — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасида залворли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОВЕ билан мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилётган ана шу босқичма-босқич ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Юртимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилётган ислохотлар — у давлат қурилиши соҳасида бўладими ёки жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар бўладими — барчаси ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, уйғун, тизимли тарзда йўлга қўйилган ва чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни боғлаб турувчи асосий бўғин бу — инсон манфаатларидир.

Айтайлик, биз ўлим жазосини бекор қилишни, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни истиклолнинг илк кунлариданок амалга оширсак ҳам бўларди. Бироқ, халқимизнинг «Етти ўлчаб, бир кес» деган мақолига амал қилган ҳолда, бу борада


ривожланган давлатларнинг босиб ўтган йўлини атрафлича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий шарт-шароитлар етилиб улгурмасдан, халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ислохотлар билан ҳамоханг равишда юксалтирмай туриб бундай ўзгаришларни ўта жадаллик билан, сунъий равишда жорий этиш самара бермасди. Айрим ҳолатларда эса, аксинча, бундай шохлоқлик оғир оқибатларга ҳам олиб келиши, ислохотлар гоёсига пугур этказиши эҳтимолдан холи эмас.

Юртбошимиз раҳнамолигида юқоридаги омилларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ислохотларимизнинг ҳар босқичида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Айнан шу пухта ва чуқур ўйланган стратегик дастур самараси туфайли истиклол йилларидаги ислохотларимизнинг ҳар бир босқичи халқимиз учун ютуқлар омили бўлмоқда.

Табиики, биз бу ишларни кимларгадир ёқиш учун эмас, аксинча, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадларимиз ижобатини кўзлаб амалга оширмоқдамиз.

(Давоми 3-бетда)

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР БОШЛАНДИ. УЛАРНИНГ ҚАЛБЛАРИДА ФАҚАТ «ТЕСТ СИНОВИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТА ОЛАРМИКАНМАН, ТАЛАБА ДЕГАН НОМГА САЗОВОР БЎЛАРМИКАНМАН», ДЕГАН САВОЛ КЕЧМОҚДА.



ТЕСТ СИНОВЛАРИ: ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, бу йил олий таълим муассасаларига умумий қабул миқдори 63769 та этиб белгиланган. Жумладан, бакалавриятга ажратилган 51604 ўринга 19945 нафар абитуриент давлат гранти, 31659 нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади. 2007 йилда бир ўринга 6 нафар абитуриентнинг тўри келиши бу синовнинг осон кечмаслигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга чуқур ва мукаммал билим бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ҳозирги кунда ҳаётга изчил табиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004–2009 йилларда Мустақаб таълимни ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури бунинг ёрқин мисолидир.

Барча олий ўқув юртларида бўлгани каби бугун Тошкент Фармацевтика институтида ҳам тест синовлари бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам ҳар йилдагидек тест

синовларига жиддий тайёргарлик қўрилганининг гувоҳи бўлдик.

— Бу йил Тошкент Фармацевтика институтига кириш истагини билдирган ёшлар сони одатдагидан анча кўп бўлиб, жами 2011 нафар абитуриент ҳужжат топширган,— дейди мазкур институт қабул комиссиясининг масъул котиби Азиз Нурмухамедов.— Шулардан режага асосан 220 нафари ўқишга қабул қилинади. Институтида касб таълими: фармацевтика, биотехнология, саноат фармацевтика, клиник фармацевтика, косметцевтика йўналишлари бўйича талабалар тахсил олишади. Уйлаймизки, бугунги тест синовидан ҳар томонлама чуқур билимга эга ёшлар муваффақиятли ўтадилар, албатта.

Бугунги ҳаяжонли ва унутилмас дақиқаларда биз ҳам абитуриентларга омад қилиб боқишимни, келгусида оруз-мақсадлари рўёбга чиқиб, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб етиштиларини ниёт қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Тошкент Фармацевтика институтида бўлиб ўтган тест синовлари жараёнидан лавҳа

Кечка сатрларда

• **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Қамолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида бошланган ёш қаламкашлар иштирокидаги ўқув семинарида ахборот технологиялари ривожланган даврда ёш журналистлар ижодий фаолиятини янада жонлантириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Бадиий академиясида санъат муҳлислари эътиборига ёш ўзбек мусаввирлари томонидан яратилган «Ислоҳ маданияти ривож топган юрт» деб номланган асарлар кўргазмаси ҳавола этилди.

• **ВЬЕТНАМ** пойтахти Ханой шаҳрида 29-30 июль кунлари математика фанидан мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган халқаро олимпиадада қатнашиб кумуш, бронза медалларига сазовор бўлган олти нафар юртдошларимиз **КЕЧА** Тошкентга қайтиб келишди.

• **МНРЗО** Улуғбек туманидаги 207-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда «Қамолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ези «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида тарбияланувчилар иштирокида ўқув семинари уюштирилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейига XV асрда тайёрланган ва зарб этилган мис тангалар келтирилди. Шунингдек, музейда ташкил этилган «Тошкент: кеча, бугун, эртага» кўргазмаси ҳамшаҳарларимизда катта таассурот қолдирди.

• **ШАХРИМИЗДАГИ** «Трамвайчи» соғломлаштириш оромгоҳида Қизил Ярм Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Меҳригўё» клуби аъзолари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Ижтимоий химоя йилига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007-2011 йиллар мобайнида КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз самарали технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардор кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. Куйидагилар 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий юқори самарадор технологиялар, ускуналар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг энг янги тизимларини қўллаш йўли билан ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш, кимё корхоналарининг эксплуатациявий ишончлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш; ташқи ва ички бозорларда барқарор сурада гоёят харидоргир бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турини кенгайтириш, уларни экспортга етказиб бериш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш;

маҳаллий хомашё ресурслари ва базавий кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш йўли билан экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

2. «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган дастур маъқуллансин:

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш, асосий турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Кимё саноати корхоналари томонидан барқарор харидоргир бўлган кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳажмлари ва экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш 3-иловага мувофиқ;

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ.

«Ўзкимёсаноат» ДАК ва тармоқ корхоналари раҳбарлари зиммасига 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг мақсадли прогноз параметрларига эришиш ҳамда унга киритилган лойиҳаларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш борасида шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзоғирнефтьгазкимёлойиҳа» институти манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда асосий турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича белгиланган мақсадли параметрларнинг сўзсиз бажарилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келиши олиниши ва ўрнатилган тартибда тасдиқлиниши, шунингдек мазкур қарорнинг 4-иловасига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

4. «Ўзкимёсаноат» ДАК манфаддор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Фаргонаазот» ОАЖда АМ-76 аммиаки ишлаб чиқаришни капитал-тиклаш таъмирлаш элементлари билан реконструкция қилиш ва «Чирчиқ «Электримёсаноат» ОАЖда АМ-76 аммиакининг йирик тоннаги агрегатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» инвестиция лойиҳаларининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий манбалардан жалб этиладиган кредитлар бўйича қайта молиялаштирувчи банк этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2007-2008 йилларда мазкур инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ДТИАга мувофиқ 4-иловада кўрсатилган ҳажмларда биргаликда молиялаштиришни назарда тутсин.

5. «Фаргонаазот» ОАЖ ва «Электримёсаноат» ОАЖ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга биноан мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган асосий технологик ва ёрдамчи ускуналар (эҳтиёт қисмларнинг норматив ком-

плекти билан), технологик жиҳозлаш ва эҳтиёт қисмлар, дастурий маҳсулотлар, техник ҳужжатлар 2009 йилнинг 1 июнига божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан овоз этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни назарда тутилган ҳолда, унга белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин.

7. Хорижий инвестициялар иштирокида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н.М. Ханов),

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг кўшма тақдимномаси бўйича, 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига, экспорт қилишга мўлжалланган замонавий турдаги кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар ташкил этишга оид янги инвестиция лойиҳалари қўшилишини назарда тутган ҳолда, аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой-Сардарга қони неғизда таркибда фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиш беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарорининг 5, 6 ва 7-бандлари ва 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 27 июль

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазирининг ўринбосари Абу Бакр Боқодир раҳбарлигидаги делегация аъзолари 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Курбонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги маданий соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида ҳам музокара ўтказди.

Меҳмонлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзулик монументини бориб кўрдилар. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўرғазмалар залида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган «Ислом маданияти ривож толган юрт» мавзусидаги бадиий кўрғазма билан танишдилар. ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини кўздан кечирдилар.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртингиз ва буюқ аҳдоқларингизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасининг халқаро миқёсдаги ёрқин эътирофидир, — деди Абу Бакр Боқодир. — Бизга ҳам катта ифтихор бахш этувчи ушбу эътироф мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек заманидан етишиб чиққан буюқ алломаларнинг бой меросини тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: «Истеъмолчи нафақат сотиб олу, балки давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қилинадиган шахсдир. Давлат истеъмолчининг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий волият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқ жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қолатлайди, дейилади.

Дарҳақиқат, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва блари, бу борадаги қонуний меъёрлар Бош Қомусида ўз аксини толганлиги табиий. Бироқ, баъзи ларда «гуруч курмакис бўлмади», деганларидек, борадаги ишларга жиддий салбий таъсир кўрсатган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Қуйида, сиз ушбу ҳолатларни бартараф эш борасидаги чора-тадбирларнинг айримлари бил яқиндан танишасиз.

Мирзо Улуғбек тумани, Ҳумоюн мавзеси й, 10-хонадонда истиқомат қилувчи Л.Лесешевавий кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор «Б.Ўлмухаммедов» савдо дўконидан 65000 сўмлик «D» сотиб олади. Бироқ истеъмолчи томонидан латиб кўрилган маҳсулотнинг бутунлай носозлиги а бўлади. Ҳозирда Лепешевага тегишли маблағ тариб берилган.

Собир Раҳимов тумани Беруний майдони, й, 23-хонадонда яшовчи А.Камаева Навоий кўчаси жойлашган «Сезам плюс» савдо дўконидан унвий йўлдошлар орқали таъсир узатиладиган аинани 170000 сўмга сотиб олади. Аммо антенна йилган кафолатни оқламаганидан сўнг худудий бирлмага ариза билан муурожаат қилинган. Мазкур ҳо ўрганиб чиқилганда истеъмолчининг талаби ҳақ эканлиги аниқланди. Шу боис антенна янгисигамштириб берилган.

Мирзо Улуғбек туман, Н.Ходжаева кўчаси-Йида истиқомат қилувчи Р.Абитова Навоий кўчаси жойлашган хусусий тадбиркор «Н.Абдуразоқов савдо дўконидан 150000 сўмлик аудиомагнитофон харид қилади. Техник ҳолати кафолат хатига мос ймаган магнитофон ҳозирда янгисига алмаштириб берилган.

Шаҳримизнинг Яланғоч даҳаси, 77-уй, 15-хонадонда яшовчи Кочкарова ТТЗ ярмаркасида жашган савдо дўконидан 105000 сўмлик «LG» телеюрини сотиб олган. Аммо истеъмолчи томонидан латиб кўрилганда унинг сифатсиз маҳсулот экани аён бўлиб қолган. Ҳозирда тегишли ташкилот ашауви билан «LG» телевизори янгисига алмаштириб берилган.

Учтепа тумани, Решетов кўчаси, 96-уйдашовчи Ф.Эсанова Навоий кўчасида жойлашган «Ме» савдо дўконидан 175000 сўмлик уяли телефон аратини харид қилади. Бироқ тез орада товарни ишга яроқсиз эканлиги ойдинлашди. Мазкур ҳо «Метро» дўқон томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-мдасига асосан, худудий бирлашма аралашуви биллистеъмолчиға сифатсиз уяли телефон апарати кетган маблағ қайтариб берилди.

Чилонзор тумани, 6-даха, 15-уй, 43-хонадистикомат қилувчи З.Саурова «Чилонзор— Олтинусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятдакамчиликлар, хусусан, истеъмолчиға тегишли уйнинг томидан чакка ўтиши билан боғлиқ сансалорларни ўзининг шикоят хати орқали баён қилган.озирда Учтепа туманларо фуқаролик судининг қари билан ушбу ширкатдан истеъмолчи фойдасиз миллион сўмлик маънавий зарар, 391891 сўмлюоддий зарар ундириб берилган.

Мирзо Улуғбек тумани, Хирмонтепа кўча 45-уй, 47а-хонадонда яшовчи А.Мусин «Мигше» майий хизмат кўрсатиш (кимёвий тозалаш) корхонасиғуз кийимини топширган. Аммо майий хизмат рсатиш корхонаси маъмурияти истеъмолчиға теги кийимини талаб этилган даражада тозалаб берамаган. Ҳозирда А.Мусинга етказилган 50000 сўм зарар ундириб берилган.

Шаҳримиздаги 7-даха, 37-уй, 11-хонадода истиқомат қилувчи Н.Насибуллина телефон тарғидаги носозликлар юзасидан шикоят хати билан рожаат қилган. Мазкур ҳолат «Ўзбектелеком» акдорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тарғи филиали билан ҳамкорликда кўриб чиқилди,озирда истеъмолчиға тегишли телефон тармоғи тмирлаб берилган, телефон ишламаган пайтидаги65 сўм пули қайтариб берилган.

Яқкасарой тумани, Фарход кўчаси, 8-уй7-хонадонда истиқомат қилувчи Л.Стеценко Лутфиқўчасида жойлашган «Секондхэнд» савдо дўконидойлашган устоҳнада «Нокia-№72 русумдаги 4500 сўмлик уяли телефон апаратини 30000 сўмга таърилаттиради. Аммо телефон апарати сифатсиз эмирланади. Ҳозирда кўрсатилган сифатсиз хизмат телефон апарати бепул таъмирланиб, тўланч 30000 сўмлик маблағ қайтариб берилган.


Собир Раҳимов тумани, Марказ-22, 36-уй3-хонадонда истиқомат қилувчи Д.Ҳўжаева Мирод тумани, Тарас Шевченко кўчасида жойлашган«Кредит Азия» савдо дўконидан «Ханса» русумли муатқини 350000 сўмга харид қилган ва бу маҳсулотифатсиз чиққалиги бўйича ариза билан муурожаат қган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасини бузган дўкон мауриятининг музлаткича кетган маблағни қайтариберишиға тўри келди.

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз мқонлари! Агар сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам қсонлар сезиладиган бўлса, қуйидаги манзилга мураат этишингиз мумкин.

Тошкент-700029. Халқлар Дўстлиги кўси, 23-а-уй. телефонлар: (998712) 2790-46, 271-89-35.

Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси Тшонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тёрлади

МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИНИНГ ТАЯНЧЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА НИСБАТАН БИЛДИРИЛГАН БУНДАЙ ТАЪРИФ, БАЛКИ, ҲУРИНЛИ ЭМАСДИР. БИРОҚ ОХИРГИ ЙИЛЛАР КўРСАТКИЧЛАРИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЮҚОРИЛАБ БОРАЁТГАНИ АЙНАН ШУНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ИМКОН БЕРАДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАГА КўТАРИШГА ЭРИШДИ. БУ ЭСА АВВАЛГИ ШУҲРАТИНИ АСТА-СЕКИН, ЎЗ КУЧИ БИЛАН, ЯЊИ ЯЊИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙўНАЛИШЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИБ, ТАДБИРКОРЛИК РУҲИ БИЛАН ИШГА ЁНДОШГАН ҲОЛДА ТИКЛАШГА ИМКОН ЯРАТМОҚДА.



Иқтисодиёт

КОРХОНА МАВҚЕИ ТИКЛАНМОҚДА

Ҳеч кимга сир эмаски, «Тошкент трактор заводи» кўплаб бошқа йирик корхоналар қаторида бир вақтлар юксалишининг юқори чўққисини забт этган бўлса-да, кейинчалик маълум сабабларга кўра бу ерда ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши ҳам кузатилган. Бозор иқтисодиётининг қатъий шартлари ишлаб чиқаришининг барча босқичида — лойиҳалаштиришдан тортиб, то тайёр маҳсулотни сотишга қадар янгича ёндошуви талаб этади.

— Шукрки, кўплаб кийинчиликлар ортада қолди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёни тўла равишда бозор иқтисодиёти талабига мос равишда амалга оширилмоқда. «Маҳсулотнинг сифати қанча юқори бўлса, буюртмалар ҳам шунга яраша кўпаяди», деган тамойилга асосланиб иш юритилиши ўргандик. Аммо ҳар доим барқарорликни таъминлаб туриш учун янги-янги ечимлар устида изланишлар олиб борилиши керак. Вақтнинг ўзи технологик жараёнларнинг тақомиллашувини талаб этаётир. Демак, уларни таъбиқ этиш учун ҳам катта-катта айланма маблағлар зарур. Хуллас, ҳамма нарса бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, — дейди «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Жамолиддин Исаев. — Бундай мураккаб ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш осон кечмади. Бу борада фақат билим, тажриба, касбий маҳоратдан ташқари энг муҳими — юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир ишга уддабуронлик билан ёндошув талаб этилади. Ҳайлайманки, бошқа меҳнатни ташкил этишда деярли барча соҳа раҳбарларига айнан шундай хусусият етишмасди...

Бугунги кунда акциядорлик жамияти учта кўшма ва бешта шўбага корхонасининг таъсисчиси. 2003 йилда Германиядаги шерикларнинг капитални иштирокчида «ТТЗ-технопластик» ва «ТТЗ-металл» — Низом жамғармалари 1,8 миллион АКШ долларлари ва 1,1 миллион АКШ долларлари тенг кўшма корхоналар ташкил этилди. Биринчиси — завод эҳтиёжидаги пластик ва резина-техник қисмларга, иккинчиси — экскаватор ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни пайтда иккала корхона тўлиқ буюртма асосида иш юрймоқда. Утган йили эса Россия билан ҳамкорликда Низом жамғармаси 460 минг АКШ долларидан иборат занжир гилдирақли тракторларни йиғиш бўйича «ТТЗ-Алтай» кўшма корхонаси ишга тушди.

Ўз навбатида акциядорлик жамиятининг ўзи ҳам аста-секин қувватларни тиклаб бормоқда. Урта ҳисобда бугунги кунда 40 фойздан зиёд ишлаб чиқариш қувватлари ҳаракатда.

— Корхонада 3 мингдан зиёд ишчи-хизматчилар фаоли-

ят кўрсатмоқда, —сўзида давом этади жамият раҳбари. — Меҳнат жамоамиз хоҳиш-истакларини инobatта олган ҳолда хаттоки мураккаб ўтиш даври бўлса-да, корхонанинг ижтимоий тузилмаларини сақлаб қоллишга имкониятлар топдик. Ўз дам олиш сўхатгоҳимиз, пойтахт вилоятининг тоғли худудда жойлашган болалар оромгоҳи, поликлиника, ўнлаб тўғарак ва спорт секцияларидан таркиб толган маданият саройи фаолият юрймоқда. «Тракторсоз» ҳафтаномаси ҳам мунтазам чиқиб турибди. «Трактор» футбол жамоасининг муваффақиятлари эса кўпчиликка яхши маълум. Йилда бир марта ҳар бир ишчи сўхатгоҳда дам олиши мумкин, бундан ташқари, Белдирсойда жойлашган оромгоҳда август ойидан оилавий дам олиш мавсуми бошланади. Заводимиз шарафини бутун республикага ёёятган ўз қаҳрамонларимиз ҳам бор.

Дарҳақиқат, бевосита мураккаб ва оғир дастгоҳлар олдидан туриб буюртмани сифатли бажараётган ишчиларимиз зиммасига катта масъулият юклатилган. Бизнинг муваффақиятимиз уларнинг бевосита меҳнати сифатиға боғлиқдир, шунинг учун ҳам қанчалик кийин бўлмасин, биз фақат ишлаб чиқаришда эмас, балки маънавий муҳитни ҳам барқарор ушлаш, жамоа ижтимоий талабларини қаноатлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Албатта, буларнинг бари асосий фаолиятнинг натижасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунонки, жорий йилнинг биринчи ярмида корхонада 1,5 минг донга трактор ва трактор тиркамалари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, 228 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, 486 миллион сўмлик бутловчи қисмлар, 147 миллион сўмлик бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлангани ҳам жорий йилда эришилган кўрсаткичлардир. Шу билан бирга, корхона ишчи-хизматчилари ҳозирда катта ҳажмдаги — 1,5 мингга трактор тиркамаларини Туркменистонга экспорт буюртмасини ҳам бажариш билан банддир. Бундан ташқари, Тожикистон, Украина, Қозоғистон ва Россия давлатлари билан тузилган шартномалар бўйича ҳам мажбуриятлар оид этилмоқда. Дарвоқе, Қозоғистон, Россия ва Озарбойжонда трактор заводининг савдо уйлари муваффақиятли фаолият юритаётгани эътиборга лойиқдир.

— Ички бозорда эса асосий маҳсулотимиз «Ўзқишлоқхўжалиқмаш» компанияси орқали лизинг бўйича сотилади, — дейди корхонанинг иқтисодиёт бўлими бошлиғи Рустам Абдуқодиров. — Бироқ, биз фақат қишлоқ хўжалиғи вақиллари билан эмас, балки пойтахтимиз туманлари билан ҳам ҳамжиҳатликда иш юритамиз. Биринчи марта ўтган йили

туман ҳокимликлари билан шаҳар ободонлаштириш-коммунал хўжалиғи тизимида авария тиклаш ишларини амалга оширишда зарур бўлган техник воситаларни ишлаб чиқариш бўйича шартнома туздик. Ушбу лойиҳа узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, босқичма-босқич иккала томон келишув асосида амалга оширилмоқда.

Акциядорлик жамиятининг ўтган йил якунлари бўйича эришган ютуқлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу корхонада бошқа яна 15 та йирик хўжалик субъектлари қаторида ўнлаб янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш суратлари кескин ошгани кузатилди. Пировардида эса бу кўрсаткич пойтахт саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг деярли учдан бир қисмини ташкил этди. Кейинги йиллар доирасида бутловчи қисмларга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида «ТТЗ-АЖ»нинг бир қатор минтақавий бўйсунувчи корхоналар билан шерикчилик қилишиға тўғри келаётганди. Эндиликда эса корхона цехларини модернизациялаш ва янги технологик жараёнларни жорий этиш ҳисобига авваллари четдан олинаётган бутловчи қисмларнинг корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Гап «гизаблок» қўйма тизимининг жорий этилиши ҳусусида кетмоқда. Бу эса чўян ва пўлат қўйилмаларини ишлаб чиқариш қувватини уч мартаға ошириш билан бирга қўйма мажмуасини ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳамда маҳсулот турларини кўпайтиришға ҳам имконият беради. Яқин истиқболда эса шу каби иккинчи йўналишнинг йўлга қўйилиши билан ҳар йили деярли 2 миллиард сўмини тежашға эришилади. Бундай катта ҳажмдаги иқтисод қилинган маблағлар эса, корхона бошқаруви раиси ўринбосари Галина Коробкованинг фикриға қараганда айланма маблағларни ошириш ва албатта корхона истиқболини таъминлашға замин яратди.

Шу кунларда жамоа яна бир янги маҳсулот тури — замонавий кўринишға эға, айрим техник кўрсаткичлари бўйича эса Беларуссия тракторларидан анча устун келадиган юз от кучи қувватига эға тракторлар ишлаб чиқариш устида ишламоқда. (Шу кунгача корхонада уч ва тўрт гилдирақли 60 ва 80 от кучига эға тракторлар чиқарилган). Янги маҳсулотнинг дастлабки намуналарини яқин кунларда, Мустақиллигимизнинг 16 йиллиғига совға сифатида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Қозим Ўлмасов олган суратлар

дирдилар.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Тохир Ҳамроқулов Истиклол меvasи бўлган миллий армиямиз, унда амалга оширилаётган улкан ислохотларни халқимизға, хусусан, ёшларимизға етказишда аввало матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, маданият ва санъатимиз вақиллари, ижодкорлар, зиёдилар фаоллик кўрсатишлари лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда шунингдек бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари, фаол журналистлар тақдирланиб, заҳматли меҳнатларида янгидан янги омад ва зафарлар ёр бўлсин дея эзгу тилақлар билдирилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Анжуманлар

ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҲАР СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВДАГ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ МАМЛАКАТИМИЗДА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТИШ, ЯШАТИШ, ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА КАТТА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛДИ.

Хусусан Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислохотлар туфайли Миллий армиямиз сафларида хизмат

қилиш том маънодаги шон-шараф ишига ва обрў-эътиборли касбға айланиб бормоқда.

Марказий Офицерлар уйида Республика оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши ва мазкур йўналишда фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантиришға бағишланган матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи директори ўринбосари Ў.Жўраев, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиғи директори

ўринбосари Қ.Очилов, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси А.Абдуқаҳоров ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ҳуломовлар юртимизда кечаётган туб ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тарғиб ва ташвиқ этишда, мамлакатимиз мудофаа қудрати ва салохиятини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканлигини таъкидлаб, муқаддас она-Ватани асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни бил-

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

(*Давоми. Боши 1-бетда*)

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки даври, яъни 1991-1995 йиллар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгилаб олиниши ва конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилиши, шунингдек, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда илк бор мамлакатимизда Конституциявий суднинг таъсис этилиши билан характерланади.

Бу босқичда «Прокуратура тўғрисида»-ги (1992 йил), «Судлар тўғрисида»-ги (1993) қонунлар, Хўжалик-процессуал кодекс (1993), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»-ги (1995), «Конституциявий суд тўғрисида»-ги (1995) ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани мустақил давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичини - 1996-1999 йилларни мавжуд тажриба ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислохотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш ва бунинг учун адвокатура мавқени кўтаришга қаратилган тадбирлар амалга оширилиши билан таърифлаш мумкин.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), Фуқаролик процессуал кодекси (1997), Жиноят-ижроия кодекси (1997), янги таҳрирдаги Хўжалик-процессуал кодекси (1998), «Адвокатура тўғрисида»-ги (1997), «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»-ги (1998) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари таркибини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги ҳамда «Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва бошқа бир қанча фармонлари қабул қилинди.

2000-2004 йилларни, яъни иккинчи босқич - суд-ҳуқуқ тизимининг ундаги тақомиллаштирилиши, ҳусусан, судларни ихтисослаштириш, жинсий жазоларни либераллаштириш, одил судлов сифатини ошириш, ишларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш, фуқаролик ва жинсий ишларни кўриб чиқишини апелляция тартибини жорий этиш, кассация тартибини ислоҳ қилиш, суд қарорлари ижросини таъминлашни мукамаллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари яратилиши даври сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»-ги (2000), «Прокуратура тўғрисида»-ги (2001), «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги (2001), «Жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги (2001) қонунлар қабул қилиниши мазкур босқичнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»-ги, «Судьяларни танлаш ва лавозимларига таъин этиш бўйича Олий малака комиссиясини тuzиш тўғрисида»-ги ва бошқа бир қатор фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий-техника таъминотини ях-

шилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори кучга кирди.

Ушбу босқичда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этган жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида киритилган ўзгаришлар туфайли соҳада бир қатор илгор ва ибратли натижаларга эришилди. Жиноятлар таснифлашиши ислоҳ қилиниб, жиноятлар таркибининг 73 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат 25 фоизига оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилгани шулар жумласидандир.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарами турини қўллаш кенгайтирилди. Жиний жазо тури сифатида шўролар давриддан «мерос» сифатида ўтган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Воёга етмаганлар, хотин-қизлар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор энгилликлар берилди. Жиний ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш мuddатлари қисқартирилди. Жиноят қонунчилигига янги - ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

Тўртинчи босқич ислохотларининг асосий вазифалари Президент Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биринчи қўша мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди. Хусусан, мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва либераллаштириш ана шу устувор вазифалар сирасига қиради.

Бунда, аввало, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни тақомиллаштириш ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

— **Ўлим жазосини жиний жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалалари ҳам худди шу даврда кун тартибига кўйилди...**

— Албатта. Шунинг таъкидлаш жоизки, юқоридagi вазифалар ичда ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга, бугунги кунда жамиятимиз, шунингдек, дунё жамияти диққат марказида турган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этилаётган ўлим жазосини жиний жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалаларининг ҳал қилиниши — мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида оғишмай илгариллаб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги аксарият халқро шартномаларда мустақамлаб кўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактда қайд этилганидек: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан

маҳрум қила олмайди».

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топанган. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ қабул қилинган Асосий Қонунимизда: «...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деб аниқ белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг жазоларни либераллаштиришга қаратилганини, ўтган 16 йиллик давр мобайнида Жиноят кодексининг ўлим жазоси назарда тутилган моддалари сони собик иттифоқ давридаги 33 тадан 2 тагача камайитрилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз халқ эшитимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш экани, бунда гап, айрим мамлакатларда бўлгандек, ўлим жазосига мораторий қўллаш тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бораётганини таъкидлаган эди. Шу босим, ўлим жазосини мораторий қўлламасдан бир йўла бекор қилиш — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлидаги дадил қадам бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган ушбу муҳим вазифадан келиб чиқиб, даставвал, инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустақамловчи халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига асосланган ҳолда Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»-ги фармонлари қабул қилинди.

Кейинги йилларда жамиятда зарур ижтимоий муносабатларнинг вужудга келганлиги, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий асосларини яратилганлиги, фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий дунёқароши тақомиллашганлиги, ўз навбатида, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунларнинг қабул қилиниши унч шарт-шароит яратди.

Бу қонунлар — энг либерал, инсонпарвар ва илгор қонунлардир. Ушбу қонунлар ислохотларнинг айнан ҳозирги босқичида қабул қилиниши бежиз эмас. Уларни бугунги кунда мамлакатимизда вужудга келган ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий вазиет натижаси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

— **Ўлим жазоси бекор қилинишининг алоҳида аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат?**

— Ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилишининг ўзига ҳо ҳусусиятлари кўп. Эваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси ҳамда халқро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ инсонни

ўз узвий ҳуқуқи ҳисобланган яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким, ҳатто давлат ҳам ҳақли эмас. Жиноят қонунчилигига кўра, умрбод ва узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумини жисмонан йўқ қилиш эмас, балки унинг жиний фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда уни ахлоқдан қайта тузатиш мақсадида қўлланилиши лозим.

Бунда, бир томондан, маҳкумининг ўз қилмиши ҳатоллигини англаб, тўғри йўлга кириши ҳамда ўз оиласи ва жамиятга яна қайтиши учун иккинчи мавжуд бўлса, бошқа томондан, маҳкумларнинг суд хатоси туфайли ҳаётдан ноҳақ маҳрум қилинишининг олди олинадиган. Бундай жиҳатларни яна кўплаб санаш мумкин.

Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилиши дунёнинг бу йўналишидаги илгор тенденцияларига тўла мувофиқ келади ҳамда Конституцияда эътироф этилган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ўзида ифода этади.

Ҳозирги кунга қадар ўлим жазоси бекор қилинган 122 давлат қаторига қираб экан, Ўзбекистон ушбу дунёвий масалада ўз қатъий позицияси мавжудлигини, демократик ривожланиш йўлидан дадил одамлаётган мустақил давлат сифатида жаҳон цивилизациясида ўзининг мустақам ўрни ва мавқеига эга эканлигини яна бир бор намойиш этди. Зотан, дунёда миллий қонунчилигидан ўлим жазоси чиқариб ташланган мамлакатлар сони ортаёқганга қарамай, бу жазо бир қатор мамлакатларда сақланиб қолмоқда, ҳатто уни қўллаш доираси кенгайиб бораётди. Айрим давлатларда эса ўлим жазосини бекор қилиш масаласи ҳали кун тартибига ҳам қўйилмаган.

Конституцияимизнинг 19-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Улардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга оширилиши таъминлайди. Бу — илгор халқро тажриба. Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллаш фақат судлар томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун қабул қилиниши билан боғлиқ талай ижобий жиҳатларни айтиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларимизнинг муҳим тарихий босқичи, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мантйқий давомидир.

Ушбу ислохотлар — ўз оҳиятига кўра — бугунги Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маърифий тараққиётининг, дунёда эътироф этилган «Ўзбек модели»нинг амалий намойишидир.

ЎЗА МУХБИРО
Гулом МИРЗО
суҳбатлашди.



Сўраш, жавоб берамиз

КАЙФИЯТИНГИЗНИ КЎТАРИНГ

Хизмат сафарлари тақозоси билан мамлакатнинг турли бурчакларига бориб-келиб туришимизга тўғри келади. Бунда, албатта, самолётлардан фойдаланиш қулай. Лекин кейинги пайтларда шу ҳақда ўйласам, вужудимда қандайдир кўрқув пайдо бўладиган бўлиб қолди. Ундан қандай халос бўлиш мумкин.

Ғаффорхон Холбоев,
Чилонзор тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди, психолог Манзура Ҳақимова жавоб беради:

Фобия (яъни невротик кўрқув) га қарши руҳшунос шифокор ёрдамида курашилади. Умумий тавсияларга келсак, қуйидагиларни айтиш мумкин.

Биринчидан, сиз на самолётни ва на учувчи ҳаракатларини назорат қилолмайсиз. Яхшилаб мулоҳаза ўйратишдан бўлсак, учувчи ҳам сиз билан биздек ўз жони ўзи учун қадри ва табиийки, у ҳам яшашни истайди.

Иккинчидан, самолётда ўрингизга жағлашиб олганингиздан кейин ўзингизни эркин қўйиб, у ҳимоясизингизга ростлаб олинг. Учинчидан, миянгида ҳозир рўй бериши мумкин бўлган «халокатнинг дахлшати манзаралари»ни чизишни бас қилинг ва яхши нарсалар ҳақида ҳаёл суриг: «самолётга ўтиргандан кейин газета-журналлар ўқийман, авиакомпаниянинг тансиқ таомлари билан тушлик қиламан, ўзимга ёққан ичимликлардан истеъмол қиламан» ва ҳ.к.

Нихоят ўзингизга шундай савол бериб кўриг: кўрқув сизни халокатдан қўқариб қола оладими? Сиздаги кўрқув самолёт ҳассисига ҳам, учувчининг аҳолига ҳам, аэропорт диспетчерига ҳам таъсир этолмайди. Агар кўрқабган бўлсангиз, бу билан фақат ўз асабларингизни қақшаптасиз — демак, бу мутлақо бемаъни машғулот экан.

ЧЕМПИОНЛИК СОВРИНЛАРИ ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

Спортнинг яқка кураш турлари бўйича чемпионлар ва уларнинг рақибларига пул мукофотлари қандай белгиланади. Масалан, шахмат, бокс бўйича муСОБАҚАЛАРО ГОЛИБЛАРИ ҚЎЙИЛГАН СОВРИНЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛИШАДИ?

Эркин Қудратов,
Учтепа тумани.

Шахмат бўйича энг сўнгги мутлақ жаҳон чемпиони Владимир Крамник журналистлар билан суҳбатда билдиришича, у шу ном учун болгар гроссмейстери Веселин Топалов билан ўтказган муСОБАҚАЛАРИДА белгиланган пул совринини тенг бўлишиб олишга рози бўлган. Бу ерда Крамникнинг «мен учун муҳими пул эмас» деган принципи асосий ролю ўйнаган.

Воледа шахмат бўйича жаҳоннинг энг номдор гроссмейстери, тождори бугунги кунда ким эканлигини кўрсатиб қўйиб, Веселин Топалов ва унинг ота-бобо асосисиз даъволар билан жаҳонга жар солаётган «шаллақилар»нинг жазосини бериб қўйишни муҳим деб ҳисоблаган. Унинг голиб чиқиши шу маънода ҳам адолатли бўлди, дейиш мумкин. Лекин ҳар икки гроссмейстер шартга кўра баварав — 500 минг доллардан совринга эга бўлишди.

Бокс бўйича, анжирго профессионал бокс бўйича олий даражадаги беллашувлар иштирокчиларига совринлар масаласи бошқачароқ ҳал этилади. Дастлабки босқичда «жанг» ташкилчилари боксчиларига рингга чиқиш шартлари ва гонорарини тақлиф қилади. Бунда бир боксчи билан гапшиллаётганда, унинг рақибга қанча олиши ёки қанча талаб қилаётгани ҳақида айтилмайди.

Ушга шартлашиб вақтида одатда чемпионга кўпроқ пул тақлиф этилади. Анжиргоини айтадиган бўлсак, оддий савдоллашиб усулидан фойдаланилади. Профессионал боксда ҳамма шартлар олдиндан контрактда кўрсатиб қўйилади. Агар, айтилайки, Маскаевга 1,5 миллион доллар тўланадиган ёзиб қўйилган бўлса, Раҳмонов 2,5 миллион доллар ваъда қилинган бўлса, жанг натижасидан қатъий назар, улар шу пулни олишади.

МАШҲУР КОМПАНИЯЛАР МАҲСУЛОТИНИ ОЛИНГ

Яқинда «супер узоқ сақланадиган» лаб бўёқ сотиб олгандим. Уни лабларимга суртганимдан кейин дугоналарим билан ўлишиб кўришадиганимизда аччиқ таъмини ҳис этдим. Дарров ҳаёлимга : у организм учун зарарли бўлса-я, лабга сиғиб кетувчи лаб бўёқ жигар, ошқозонини ҳам ўйиб юбормасмикан», деган фикр келди...

Зайнаб Воҳидова,
Йунусобод тумани.

Истеъмолчилар мустақил экспертизаси маркази хабарига кўра, аёллар лабларига сурадиган бўёқларда нималар бўлишини бир кўз ўзингизга келтириб кўриг: а: мойлар, ёғлар (кўпинча кастор ёғи); асалари муми, оксидланишга қарши моддалар, бўёқлар, пардоз композицияси — шуларнинг ҳаммаси лаб бўёқлари таркибига киряди.

Лекин фақат сифатсиз лаб бўёқлар ёки уларнинг фойдаланиш мuddатлари ўтиб кетганларига ёқимсиз таъмларга сабаб бўлиши мумкин. Улар ҳатто аллергик реакцияларни келтириб чиқара олади.

Пардоз мақсулотлари ишлаб чиқарувчи нуфузли фирмалар ўз номларига доғ тушишига йўл қўйишмайди ва фақат табиий компонентлардан фойдаланишади. Жуда кам ҳолатларда синтетик моддаларни қўллашганда ҳам уларнинг энг сифатлиларини танлашади. Шунинг учун ҳам машҳур компаниялар ишлаб чиқарадиган лаб бўёқларини харид қилишга ҳаракат қилинг.

Захарланишни ҳатто ҳаёлингизга келтириш ўринсиз. Чунки айнан лаб бўёқ таркибига ҳам захарли ингредиентлар мутлақо бўлмайди. Яна шунинг ҳам айтиш керакки, бир аёл уми давомида ўртача 1,5 килограмм лаб бўёқ ишлатаркан, ҳар кун, суриладиган лаб бўёқ микдори жуда оз бўлиб, у организм учун мутлақо зарарсиздир.

ДЕНГИЗЛАР ТУТАШТИРИЛАДИМИ?

Эшитимизча, Азов ва Каспий денгизлари ўртасида канал қазилиб, улардан кемалар ҳаракати йўлга қўйилиши мўлжалланаётган экан. Шундай режаларни Орол билан Каспий денгизлари ўртасида амалга ошириш устида иш олиб борган олимлар ҳам бўлган. Шундай ишларнинг тақдирини нима бўлган?

Ўрмонбек Жўраев,
Мирзо Улғабек тумани.

Орол билан Каспий денгизларини туташтирувчи каналлар барпо этиш ҳақида илмий изланишлар баъзи олимлар томонидан олиб борилган рост. Сибирь дараёли Урта Осиёга буриш тўғрисидаги фикрлар билан бир вақтда улар ҳам юзга келганди. Лекин бу фикрлар собиқ иттифоқ туғатиш муносабати билан тўхтаб қолган ва бу ҳақдаги баҳслар олимлар доирасида ҳали ҳам эшитилиб туради.

Россиянинг «Гидротехэкспертиза» марказидан хабар қилинишича, Азов билан Каспий денгизларини туташтирувчи канал қурилиши ҳақиқатга яқинроқ бўлиб, у Ставрополь ва Краснодар ўлкалари, Ростов области, Калмиқистон ва Догистон ҳудудларидан ўтиши керак экан.

Ислохотлар оқимида

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ — МУВАФЗИЙАТ ОМИДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИКТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДАН МАҚСАД АҲОЛИ ТУРМУШ ФАВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, МАВЖУД ТАБИЙ, МЕҲНАТ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКА САЛОҲИЯТИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА МУТТАСИЛ ВА БАРҚАРОР ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЁТАДИ.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш жараёни нефтни қайта ишлаш тармоғини оқсатилиши, замонавий технологиялар асосида қайта ҳижозлаш эвазига Ўзбекистоннинг нефть мақсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш билан қиёбонаниб қолмасдан, балки экспортга йўналтирилган соҳага айлантириш вазифасини ҳам қўймоқда.

Илм-фан тараққиёти билан янги турдаги автомобиллар, механизмлар ва асбоб-ускуналарнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши натижасида уларнинг фаолияти учун зарур бўлган нефть мақсулотлари ассортименти билан таъминлашнинг долзарблиги ҳеч кимга сир эмас. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида нефть мақсулотлари бозорида маркетингнинг аҳамияти тобора ошмоқда.

Ахборот технологияларининг ривожини, Интернет тармоғи ва оммавий ахборот воситаларини ишлаб чиқарилаётган мақсулотлар тури, сифати ва нархи ҳақидаги маълумотларни истеъмолчилар томонидан олиш-билиш жараёнини жуда осонлаштиради. Шунинг учун ҳозирги илм-фан ривожланган ҳақда гипер рақобат даврида биз-

неснинг стратегик режасини фақат мақсулот ва унинг микдори га боғлаш нотўғри бўлиб, бизнес жараёнини бошқариш фалсафасини ўзгариштириш зарур. Истеъмол бозорининг талаб ва тақлифларига тезлик билан жавоб бериш — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бош стратегик йўналишига айлангани мазкур корхонанинг молиявий барқарорлиги ва профессионал бизнес бошқаруви билан биргаликда бизнес фаолиятининг муваффақиятли бўлишига олиб келади.


Демак, бизнинг фикримизча нефтни қайта ишловчи компанияларнинг ассортимент стратегиясини аниқлашда қўйидаги омиллар таъсир қилади:

Табиий (технологик) омиллар — нефть хом ашёсининг физик хоссалари, кимёвий таркиби, уни қайта ишловчи технология жараён, мақсулот ташиш, сотиш технологияси, персоналнинг малакаси;

Нефть мақсулотларига бўлган пул билан таъминланган талаб, энергия ва ёниги мойлаш материалларига бўлган талаб; Экологик омиллар — нефть мақсулотлари учун халқро ва давлат стандартлари, нефтни қайта ишлаш, нефть мақсулотларини сақлаш, сотиш, корхоналар мажмуи, нефть мақсулотлари таркибидagi захарли моддалар ва ҳоказолар.

Агар биз охириги 40-50 йилни кўздан кечирсак, автомобиллар учун ишлаб чиқарилган ёнилғининг сифат кўрсаткичлари ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин. 1985 йилда Европа мамлакатлари учун ишлаб чиқилган меъёрларда автомобиль ёнилғи-ларига қўйилган талабларга мувофиқ ёнилғининг таркибидagi захарли моддаларнинг пасайганлигини, ишлатилган автомобиль газлари таркибидagi эмиссия микдорининг ўзгаришини кўриш мумкин. Автомобиллар эса кам ёнилғи сарф қиладиган двигателлар, ишлатилган автомобиль газларини нейтраллаш ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бу эса келгусида ёнилғининг сифат ва кўрсаткичларига бўлган талабларнинг янада ортишини тақозо қилади.

Охириги йиллар давомида Республикамизда нефть хом ашёсини қайта ишлаш жараёнини янада чуқурлаштириш, жаҳон сифат ва экологик талабларига жавоб берувчи ёру нефть мақсулотларини ишлаб чиқ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Ким дўстан айрилиб, қоларкан танҳо, Бошига ёғилур минг турли бало.

Илмдан ҳоли бош лим-лим жаҳолат.

Ўзгалар тенгдек кўринса кўзингга. Ҳукм этма сен қиёсан ўзингга.

Йўлдан урғай эрни фақру эҳтиёж.

Йўқ ҳасаддин кишига ҳеч офият.

Муҳаббатдан ачиқ ширин бўлади, Муҳаббатдан мис ҳам заррин бўлади.

Муҳаббатдан гулхан гулшан бўлади, Муҳаббатсиз гулшан гулшан бўлади.

Муҳаббатдан дор ҳам бўлғусидир тахт, Муҳаббатдан юк ҳам бўлғусидир бахт.

Кимда гар бўлмас экан ишқдан хабар, Холига вой! Ул қанотсиз қуш магар.

Ким балиқдек бўлмаса, сувда нетар?

Жаҳонни сотиб олганинг Савдосига арзимас. Оламни тасхир қилганинг Фаввосига арзимас.

Қачонгача бошқаларнинг ҳассасига суянасизлар? Ўз оёқларингиз билан юринг! Сизлар айтадиган ҳадису тафсиру ҳикмат ва бошқа бир замонлар ўз асрида бирор мартабага ўтирган шахсларнинг сўзларидир... Агар (сизлар) бу замоннинг фарзандлари бўлсангиз, қани сизлар айтадиган сўзу асрор?

Жисмга озор беришдан не наф? Дунёга асир бўлмаслиги учун қалбни ўзгартириш лозим.

Ҳазил ҳам таълимдир — уни жиддий қабул қил.

Саёҳат қилишга етмаса қурбинг, Танла ўз ичингга сафар йўлини. Бундай сафар этар тупроқ зарраси Олтин ёмбиларга тенг ва бебаҳо.

Сувга ташна бўлса кимда-ким, Сув ҳам унга ташнадир доим.

Кимки комил, бўлмагай гафлат анга, Гафлати илму хирад подош этар. Кимки жоҳил, бўлмагай ҳикмат анга, Илми ҳам бир кун жаҳолат фош этар.

Ғўр эдим. Пишдим, Қорайдим.

Инсоннинг камоли унинг ўз асл моҳиятига етишишидир.

Тилак шаробга ўхшаб, қанча кўп турса, шунча қувват йигур.

Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, Фақат бир нарсани унутмасанг бас: дунёга не учун келдинг? Узингни арзон-гаров сотмагай-сен, илло, сенинг баҳойинг баланд.

Сен бутун бир дунёга арзигуликсен. Эвоҳ-ки, ўз баҳойингдан ўзинг беҳабарсен!

Ғайб оламидин агар ҳаволаб учдим, Бу дайри фано ичра етишдим, тушдим. Ҳеч кимсига эш бўлмади бу сирри ниҳон, Бесаёид ва бесамар жаҳондин кечдим.

Сўз — либос, маъно — унда яширин асрор.

Ўз руҳинг дунёсини англаш ва эгаллаш бир замонлар Искандар Зулқарнайн ер юзини эгаллаганга нисбатан мушкулроқ. Лекин ҳаммадан мушуқли кейин келур — ҳамма нарсани англарсену аммо дунё телбалиқларига боқиб, уни бир зарра бўлса-да ўзгартириш илқингдин келмагай! Мушкулдан ҳам мушкул савдо бу!

Илмий баҳсу мунозаралар инсонларни кўпинча бир-бирдан жудо айлар, аммо рақс ва мусиқий уларни яқдил этар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Камолот»

“ЙЎЛ ҚОИДАСИ” ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

2007 йил ЁЗ МАВСУМИ ДАВОМИДА «ЁЗНИ “КАМОЛОТ” БИЛАН» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ, УЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШНИ КЕНГАЙТИРИШ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФий БИЛИМЛАРИНИ ЎСТИРИШЛАРИ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШЛАРИ, ЙЎЛЛАРДА УЧРАЙДИГАН ҲАЛОҚАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МИРОБОД ТУМАН БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН “ЙЎЛ ҚОИДАСИ” ЛОЙИҲАСИ ТУМАНДА ЖОЙЛАШГАН МАҲАЛЛАЛАРДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Лойиҳа юзасидан ўтказилган тадбирларда ёшларга йўл ҳаракати қоидалари ҳақида ва йўлларда учрайдиган турли бахтсиз ҳалокатлар ва уларнинг олдини олиш тўғрисида маълумотлар берилди. Лойиҳада Тошкент Автомобиль йўллари институти талабалари ҳам иштирок этиб тадбирнинг ниҳоятда жонли ўтишига ҳисса қўшдилар. Тадбирда фаол иштирок этган ма-

халла ёшларига туман Кенгагининг совгалари ва Фахрий ёрликлари топширилди.

Шу кунга қадар “Йўл қоидаси” лойиҳаси доирасида туманда жойлашган бир қатор маҳаллаларда ўқув машғулотлар ўтказилди. Шу жумладан 328, 218-мактаблар оромгоҳларида, “Олтинкўл”, “Оқ уй”, “Чинор” ҳамда М.Мерганов номи маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда жами 357 нафар маҳал-

ла ва оромгоҳ болалари иштирок этишиб йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича ўз билимларини оширишди. Зеро йўлларда ҳаракатланаётган вақтда ҳар биримиздан огоҳлик талаб этилади. Ана шундагина турли хил ҳалокатлардан ўзимизни ва бошқаларни ҳимоя қилган бўламиз.

Хуршид МИРЖАМОЛОВ СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар



Спорт янгилликлари

БОЛГАРИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

БОЛГАРИЯДА КАРАТЭ БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Дунёнинг йигирма саккиз давлатидан келган мингдан ортиқ спортчилар иштирок этган мусобақада ўзбекистонлик каратэчилар ҳам муваффақиятли қатнашди. Чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қилган терма жамоа аъзолари бешта олтин, учта кумуш ва учта бронза медалига сазовор бўлиб умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

ФРАНЦИЯДА КУРАШ БАЙРАМИ

ФРАНЦИЯДА КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ГРАН-ПРИ ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Мустиқликнинг ўн олти йиллигига бағишлаб Франция кураш федерацияси ташаббуси билан илк бор ўтказилаётган турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси, Халқаро Кураш Ассоциация раҳбарлари ҳам иштирок этди. Турнир ўзбекистонлик курашчиларнинг кўрғазмали чиқишлари билан бошланди. Халқаро мусобақада Испания, Франция, Хиндистон, Португалия, Украина ва Россия давлатларидан юздан ортиқ курашчилар қатнашди. Турнирда мамлакатимизнинг йигирмадан зиёд полвонлари ҳам иштирок этяпти. Полвонлар халқаро кураш қоидаларига асосланган ҳолда йигирма олти вазн тоифасида мусобақаларда иштирок этиб, ғолиблик учун курашадилар.

СИНГАПУРЛИК ҲАКАМ ЖАЗОЛАНДИ

МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА ЛУМПУРДА ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНING

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

Осиё футбол конфедерацияси президенти Мухаммад Бин Хамман иштирок этган йиғилишда қатор масалалар муҳокама этилди. Унга кўра 2011 йилги китъа мусобақаси Қатарда ўтказилиши қайд этилди. Бундан ташқари Молия ва маркетинг қўмитаси Осиё футбол конфедерациясининг расмий кишиларини суғурта қилиш таклифини киритди. Ўзбекистонлик футбол ишқибозлари учун аҳамиятли бўлган яна бир янгиллик. Мусобақанинг чорак финалида Саудия Арабистони ва Ўзбекистон учрашувини бошқарган сингапурлик ён чизик ҳақами Жеонг Хай Санг ОФКнинг қарорига кўра номаълум муддатга ҳакамлик қилишдан четлаштирилди. Айнан у Максим Шацких гол киритган вазиятда байроқчасини кўтариб, рисоладаги голни ҳисобга олинмаслигига сабаб бўлган эди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

ТАЖРИБА КАМЛИГИ ПАНД БЕРДИ

АҚШДА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН УТА ТОИФАСИГА КИРУВЧИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ШАРАФИНИ КАТТА РАКЕТКА УСТАСИ ОҚГУЛ ОМОНМУРОДОВА ҲИМОЯ ҚИЛДИ.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, умидли ёш теннисчимиз ушбу нуфузли турнирда рақиблари устидан ажойиб ғалабаларга эришиб ярим финалгача етиб келди.

Ярим финалда ўзидан анча тажрибали бўлган япониялик Акимото Моригами билан куч синашган Оқгул бир қатор ишончли зарбалари билан рақибини анча шошириб қўйди. Аммо, маҳорат ва тажриба бора-бора устунлик қилган Моригами Оқгулни мағлуб эта олди.

Ушбу натижа Оқгулнинг маҳорати ошиб бораётганидан далолат беради. Биз кўп минг сонли муҳлислар номидан ҳамюртимизга келгуси турнирларда ишончли ғалабалар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18

ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимлари диққатига!

Тугатиш бошқарувчиси ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимларига 2005 йил 25 декабрдан буён бўлган иш ҳақи пулларини олиб кетишлари лозимлигини билдиради.

Иш ҳақи пуллари ҳар қуни соат 15.00 дан кейин ОТАЖ «А.Иброҳимов номи Тошкент чинни заводи»нинг эски маъмурият биносидан берилди. Манзил: Тошкент ш. Сағбон кўчаси, 30-бەрк кўча, 8-уй.

Узингиз билан паспорт ёки олувчи номига нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт. Маълумот учун телефонлар: 155-60-36, 185-05-18

Мунажжим башорати

Кўнгидаги ишларни бажаринг

2 АВГУСТ, ПАЙШАНА

Мунажжимларимизнинг оғоҳлантиришларича, Кўнгидаги бугун Арслон буржининг «бузғунчи» 10-даражасида бўлиши инсонларда ўз ижодий кучларидан ҳафсаласи пир бўлиши, сароб умидлар ва кайфият тушқунлигига мойилликни келтириб чиқаради. Кайфиятингизни кўтарадиган ишлар билан кўпроқ банд бўлишга ҳаракат қилинг.

Ойимомамиз эса, бугун ҳам тўғри, ҳам мажозий маънода поканиш муолажаларини бажаришга давват этади: рўзгор ашёларини ювиб-артиб тозалаш, ўй-фикрларингизни поклаш ва ванна қабул қилиш фойдалади. Тасодифан ёлғирда қолиш ёки камалак рангларини қўриш бугун бадастирлик ва кўмакка эга бўлишингизга ишорадир.

БУГУН:

- муҳим янги ишни бошлаш;
- тароватингиз ва интеллектуал қувватингиздан тўлароқ фойдаланиш;
- иродангизни намоеён этиб, мансаб ва обрўйингиз ҳақида қайғуришингиз;
- хурматли кишилар орасида ишончли иттифоқ-дошларингизни топиш;
- зарурат бўлса, турли имтиёزلарни расмийлаштириш тавсия этилади.

Фақат ўз манфаатларингизни ўйлаш, гийбат қилиш, миш-мишлардан фойдаланишга уринманг. Қумушранг, зарғалдоқранг ва лимонга яқин сарик тўсли кийимларингизни танланг.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нухсада босилади. Қоғоз бичими А-2

«02»: ҲОДИСАЛАР

●Миробод туманида соат 12.30 да, Тошкент вилоят да яшовчи 18 ёшли Қаҳрамон исми шахс, шу туманда уйлардан бирининг олдида бўлиб, тиббиёт коллежи т лабаси, шу туманда истиқомат қилаётган 18 ёшли Кларнинг қўлигада 255.000 сўмлик «Самсунг Е-570» уяли т лефонини юлиб олиб қочиб кетган. Бирок узоққа эме Чунки шу ҳудудда тезкор тадбирларни олиб бораётг Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув ва терр измга қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимла томонидан ўз вақтида далилий ашё билан қўлга олинг Ҳозирги вақтда гумонланувчи Қаҳрамонга нисбатан ж ноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бору моқда.

●Мирзо Улуғбек туманида илгари содир қилг навбатдаги ўғирлик жинояти учун жиноят-қидирув тезк ходимлари томонидан ҳибсга олинган 24 ёшли, бир ишининг тайини бўлмаган, шу туманда истиқомат қил чи Алижон исми шахс, дастлабки тергов жараёнида айбига иқдор бўлдики, апрель ойида ўзига шарик сис тида вояга етмаган ўсмирларни жалб этиб ўғирлик сод қилган. Яъни бир туманда яшовчилар, ҳеч қаерда ўқим- диган вояга етмаганлар 15 ёшли Маҳмуд, 12 ёшли С. вар, Тошкент вилоятида яшовчи 14 ёшли Сергей исм ўсмирларни ўзига жиноий шерик қилиб олиб, кеч с. 19.30 да, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган қўч қорхона оғирхонаси деворларидан ошиб тушиб, ой сини синдириб кириб, у ердан турли хил катта микд- даги қурилиш молларини ўғирлаб кетиб, фирмага жа 4.172 евро ва 1.056 АҚШ долларилек моддий зарар- қазийшанлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекиси Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси бўйи жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бо- либ, гумонланувчи Алижон томонидан содир қилин яна бошқа жиноятлар ҳам фош бўлмоқда.

●Юнусобод туман Ички ишлар бошқармаси навбат- лик қисмига шу туманда соат 22.00 да босқинчиқ содир қилинганлиги ҳақида жабрланувчидан хабар т- ган. Гап шундаки, шу туманда жойлашган уйлардан - рининг ёнида бўлган, муқаддам судланган Бухоро в- ятида яшовчи 20 ёшли Рустам исми шахс ўзининг и- ноий шериклари билан, Юнусобод туманида яшовчи 3 ёшли Мунисага ҳужум қилиб, ҳаёти ва соғлиги учун и- фли бўлган эърилик ишлатиш йўли билан қўлларини пичоқни кўрсатиб жабрланувчини қўрқитишган. Кейин а тегишли бўлган 30.000 сўмлик сумкасини, унинг ич- ги 180.000 сўмлик «Моторола-рейзер» 2 та уяли те- фон аппаратини, 140.000 сўмлик «Нокиа-1110» уяли- лефон аппаратини, ўй қалитларини, 12.000 сўмлик л- лар косметикасини ўғирлаб воқеа жойидан қочиб кел- ган. Ушбу ўғирланган буюмларни ўз эҳтиёжлари йўда пуллаб юборишган. Бу билан жабрланувчига жи 408.000 сўмлик моддий зарар етказишган. Жабрлани Муниса воқеа ҳақида туман ички ишлар бошқармага мурожаат қилган эса олиб борилган тезкор қидирув д- бирлари ўз самарасини берди. Ҳозирги вақтда хига олинганларга нисбатан ушбу ҳолат бўйича Ўзбекизи Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси, ни «босқинчилик» бўйича жиноят иши қўзғатилиб, теов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

●Шайхонтоҳур туманида жойлашган ресторонларан бирда, ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшчи 24 ёшли Анвар исми шахс, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент вилоятида яшовчи 31 ёшли Нодир исми хс билан учрашиб, унинг ишончига ёлгон ваъдалар бан кириб, «Сизга кредитга «ВАЗ-2106» автоуловини иб бераман» — деб алдаган. Кейин эса ушбу хизмати юн Нодирдан 2.400 АҚШ долларини олиб, пулларни ўз зи- ёжига ишлатиб юборган. Ваъда берилган на машинча ва на Анварнинг ўзидан дарак бўлмагач, жабрланчи Нодир алданганлигини сезиб дарҳол ички ишлар ида- ларига хабар берган. Милиция ходимлари томондан олиб борилган қидирув ишлари натижасида фирмар Анвар ушланди. Дастлабки тергов жараёнида маум бўлишича гумонланувчи бундай фирибгарлиги товля- чиликларини олдин ҳам содир қилган экан. Уларнингзм- маси фош бўлмоқда. Ушбу ҳолат бўйича гумонлавици Анварга Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексинг 168-моддаси бўйича айб қўйилиб, жиноят иши қўзти- либ, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

●Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси жо- ят қидирув хизмати ходимлари томонидан Тошкениви- лоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 32 ёшлиаъ- но исми аёл фирибгарлиги учун қўлга олинди. У ор- су» бозоридан таниши 45 ёшли тадбиркор, Тошкениви- лоятида яшовчи Шохидани учратиб қолиб, унга «тиб оламан»— деб алдаб, жами 350.000 сўмлик 8 донлаъ- лар нимчасини ва 100.000 сўмлик 4 дона ётоқ ғилла- рини олиб кетиб, уларнинг пулларини бермаган.

Ушбу ҳолат бўйича гумонланувчи Раънога нистан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 168-од- даси бўйича «фирибгарлик» айби қўйилиб, жиноятши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

●Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчилар, ирон бир ишининг тайини бўлмаган 25 ёшли Жўрабек, 24шли Холмат ва 27 ёшли Нормат исми шахслар ўзаро ж оий тил бириктириб, 2 июнь кун соат тонги 04.00 даШай- хонтоҳур туманида жойлашган масъулияти чекланг жам- миятининг хом ашё сақлаш хонасидан, шу қорхона қба- ри Абдиевга тегишли бўлган 25 дона 15 диаметр ва 18 дона 20 диаметрлик сув ичкалари ўрамларини ўлаб кетиб, уларни ўз эҳтиёжлари йўлида пуллаб юборган. Жами жабрланувчига 1.118.000 сўмлик моддий зар ет- казганлар. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижида Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси тезк хо- димлари томонидан юқорида исмлилари келтирилган ион- ланувчи шахслар ҳибсга олиндилар. Ҳозирда ушбуолат бўйича Ўз.РЖКнинг 169-моддаси билан жиноят ишиқзга- тилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

●Шайхонтоҳур туманида навбатдаги фирибгарлигучун ҳибсга олинганлар, муқаддам фирибгарлиги учун слан- ганлар Шайхонтоҳур туманида яшовчилар 52 ёшлиСан- жар ва 55 ёшли Анвар исми шахслар яна фирибгарлик йўли билан одамнинг ишончига кириб «Норвегиягашга юборамиз» деб, уларнинг пулларини ва паспортини олиб қўйиб, жабрланувчилардан яшириниб юришг Ана шундай жабрланувчилардан Шайхонтоҳур туманидаюв- чи 34 ёшли фуқаро Усмонов бўлиб, ундан 1.50АҚШ долларини ва фуқаролик паспортини олиб қайтар бери- шишган. Андижон шаҳрида яшовчи 25 ёшли Ашовни алдаб 1.200 АҚШ доллари ва фуқаролик паспортиниШай- хонтоҳур туманида яшовчи 19 ёшли фуқаро Ибрамов- нинг 1.500 АҚШ долларини ва фуқаролик паспортини олиб қайтариб беришмаган. Ҳозирги вақтда олиб борилган тергов жараёнида бу фирибгарлардан моддий зарарган жабрланувчилар аниқланмоқда. Ушбу ҳолат йича Ўз.Р.ЖКнинг 168-моддаси, яъни «фирибгарлик» йича жиноят иши қўзғатилган, тергов жараёни давом эткда.

Юлдуз АШИОВА, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот марказида инспектир, йор.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нухсада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйи- турар жойлардаги почта бўлимларига ек «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефога мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқишомининг компьютер маркада терилди ва сақиданланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 9й.
1 2 3 6